

# МУАССИМ ҲӘМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛДІМДЕНДИРИҮ



***Илимий-методикалық журнал***

---

**2023**

**2-сан**

*Озбекстан Республикасы Министрлер Кабинети жасындағы  
Жоқарғы Аттестация Комиссиясы Президиумының  
25.10.2007 жыл (№138) қарапы менен дизимге алынды*

*Қарақалпақстан Баспа сөз ҳәм хабар агентлигі тәрепинен  
2007-жылы 14-февральдан дизимге алынды.  
№01-044-санлы гүйалық берилген.*

Нөкис

**2-сан 2023**

*март-апрель*

---

**Шолкемлестириүшилдер:**

**Қарақалпақстан Республикасы Халық билимлендіриү Министрлигі,  
ӨЗПИИИ Қарақалпақстан филиалы**

**Редактор:  
А. Тилегенов**

**Редколлегия ағзалары:**

Мақсет АЙЫМБЕТОВ	Сабит НУРЖАНОВ
Нағмет АЙЫМБЕТОВ	Урлобай МИРСАНОВ
Байрамбай ОТЕМУРАТОВ	Нуржан МАТЧАНОВ
Ерполат АЛЛАМБЕРГЕНОВ	Шукурилло МАРДОНОВ
Алишер АЛЛАМУРАТОВ	Бахтиёр РАХИМОВ
Дилшодхұжа АЙТБАЕВ	Арзы ПАЗЫЛОВ
Тұлқин АЛЛАЁРОВ	Барлықбай ПРЕНОВ
Умида БАҲАДИРОВА	Қаҳхор ТУРСУНОВ
Фархад БАБАШЕВ	Нурзода ТОШЕВА
Гулзода БОЙМУРОДОВА	Тажибай УТЕБАЕВ
Маманазар ДЖУМАЕВ	Амангелди КАМАЛОВ
Асқар ДЖУМАШЕВ	Ризамат ШОДИЕВ
Гүлнара ЖУМАШЕВА	Зафар ЧОРШАНБИЕВ
Мырзамурат ЖУМАМУРАТОВ	Дүстназар ХИММАТАЛИЕВ
Умида ИБРАГИМОВА	Гулрухсөр ЭРГАШЕВА
Меруерт ПАЗЫЛОВА	Гавхар ЭЩАНОВА
Аскәrbай НИЯЗОВ	

## МАЗМУНЫ

### ТИЛ ХЭМ ЭДЕБИЯТ

Umarov I. A, Jumanova D. U. "Malika ayyor" dostonida ijtimoiy-siyosiy leksika .....	6
Namazova G. M. Savod o'rgatish metodikasining ilmiy, psixologik va lingvistik asoslari .....	17
Абдувалиева Н. Алишер Навоий ғазалларида паремаларнинг маъновий хусусиятлари .....	25
Rahmanova D. Nemis tili dialektlari va jonli so'zlashuv nutqi .....	31
Раметова Б. О характеристиках научной фразеологии .....	36
Чутбаева А. Б. Трансформация русско-узбекских религиозных паремий в произведениях узбекских писателей .....	45
Mirzayev A. X. Qualitative adjectives .....	54
Utambetova A. K. Evaluation category in uzbek and english languages (based on good and bad concepts) .....	61

### ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Majidov Sh. S, Sayfullayev L. N. Masofaviy ta'lilda pedagogik texnologiyalarning qo'llanilishi .....	66
Bo'ronov Sh. Sh. Talabalarning ekologik kompetentligini o'stirishda hadis ilmining o'rni va ahamiyati .....	75
Abdullayev I. X. Chaqiriqqacha harbiy ta'lim yo'naliishi talabalarida kognitiv-motivatsion kompetensiyani rivojlantirishning metod va vositalari .....	81
Tursunova N. T. Pedagogika va ona tili o'qitish savodxonlik metodikasi fanlaridan integratsiyalashgan ta'lim asosida didaktik yondashuv .....	88
Жакбарова З. С. Олий таълим муассасаси талабаларида ижтимоий-маданий компетентликни ривожлантиришнинг назарий-методологик асослари .....	95
Акбаров А. Т. Ўқувчиларни ҳарбий ватанпарварлик рухида тарбиялашнинг илмий-педагогик асослари .....	100
Abdullayev S. A. Tabiat ob'eklarini adekvat modellasshtirish asosida o'quvchilarning ekodidaktik bilimlarini takomillashtirish .....	109
Arslanova F. Z., Abdujalilova Sh. A. Inklyuziv ta'lim-muqarrar ta'lim sifatida .....	118
O'tayev A. Y. Siyosiy pedagogika fanini o'zlashtirishning dolzARB muammolari .....	123
Расулов А. Н., Абдуҳакимова Н. Х., Зайниддинова Х. З., Таникулов А. Р., Исройилжонов А. Қ. Таълим кластери шароитида "Иктиносий билим асослари" фанини ўқитиш зарурлиги .....	128
Расулов А. Н., Ҳакимова И. Х., Сайфиев С. Ш., Абдуллоев Ж. А. Таълим кластери шароитида "Иктиносий билим асослари" фанини ўқитишнинг услубий-дидактик таъминотини яратиш .....	134
Эрназарова Г. О. Бўлажак ўқитувчиларда педагогик компетенцияларни шакллантириш ....	139
Хуррамов К. М. Тадбиркорликни миллий иктисодиётдаги ўрни, моҳияти ва мезонлари ....	145
Рашидова Ш, Бердикулова Н. Э. Особенности использования инновационных и интегрированных технологий обучения .....	151
Эргашева Д. Д. Модульно-кредитное обучение в вузе на базе дидактических педагогических принципов .....	156
Наркабилова Г. О необходимости развития цифровой культуры среди студентов .....	163



## БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

**Қайнарова И. В.**

*Чирчиқ давлат педагогика университети, мустақил-тадқиқодчиси*

**Таянч сўзлар:** инновацион фаолият, ўқиш саводхонлиги, инновацион фаолият, маҳорат, танқидий ўқиш, ўқувчининг фаол роли, билим ва кўникма, ижодий тафаккур, инновацион фаолият, назария ва амалиёт.

**Ключевые слова:** инновационное деятельность, грамотность чтения, инновационная активность, навык, критическое чтение, активная роль студента, знания и навыки, творческое мышление, инновационная активность, теория и практика.

**Key words:** innovation activities, reading literacy, innovative activity, skill, critical reading, student's active role, knowledge and skills, creative thinking, innovative activity, theory and practice.

Ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий ишлаш фаолиятларини ривожлантиришга қаратилган машғулотларни самарали ташкил этиш ўқув жараёнининг муҳим омилларидан бири бўлиб ҳисобланади. Мустақил ва ижодий ишлаш жараённида ўқувчида мустақил фикрлаш қобилиягининг ривожланиши натижасида, ўқувчида жараёнлар ва ҳодисалар, объектлар ҳақида билимларни тизимлаштириш уларни чукур ўрганиш ҳамда тегишли қарорлар қабул қилиш, назарий билимларни амалда қўллаш кўникмалари шаклланади.

Ўқитувчи томонидан ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий фаолиятларини ривожлантириш учун машғулотларнинг дарс ишланмаси ҳамда технологик харитаси ишлаб чиқилиши керак. Ҳар бир машғулот бўйича дарс ишланмалари ва технологик хариталарни ишлаб чиқиш ўқув жараёнини тўлақонли лойиҳалаштириш ҳамда самарали ташкил этиш имконини беради.

Ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий ишлаш қобилиятларини шакллантириш ҳамда ривожлантиришда мустақил ишларнинг аҳамияти катта. Мустақил ишлар ўқувчининг умумий ривожланишига ва касбий маҳоратини ўстиришга хизмат қилиши керак. Шунингдек, ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий ишларини ташкил қилиш тарбиявий, таълимий аҳамиятга ҳам эга бўлиши керак.

Ўқувчиларнинг мустақил ишларини самарали ташкил этиш ва бошқариш ўқув жараёнининг асосий таркибий қисмларидан бири бўлиб ҳисобланади.



бланади. Мустақил ва ижодий ишларнинг турлари, шакларини танлашда “оддийдан-мураккабга” ҳамда “умумийдан-хусусийга”, “мавхумдан-аниқликка” тамойилларига амал қилиш лозим.

Мустақил ва ижодий иш топшириқларини ишлаб чиқишда ҳар бир ўқувчининг шахсий имкониятлари, тушунувчанлик, ўқув материалини ўзлаштириш даражаси инобатга олиниши, шахсга йўналтирилган ўқитиши технологияларини қўллаш мақсаддага мувофиқ.

Машғулотларда ўқувчиларнинг ижодий ишлашига аҳамият бериш кепрак. Ўқитувчи ўқувчи бажарадиган мустақил ишлар ҳажмини аниқлаб, бажариш учун уларга ақлий меҳнат қилиш йўлларини ўргатади ҳамда ишни бажариш жараёнида келиб чиқадиган камчиликлар ва хатоликлар бўйича қўрсатмалар беради.

Ҳар бир фан маъruzалари муаммоли тарзда бўлиши билан танқидий асосда ўқитилиши, ўқувчиларда ўрганишга, шунингдек танқидий фикр юритилган ўқув адабиётларга нисбатан қизиқишини орттиради, улар қатор фикрлар асосида ўз фикрини мустаҳкамлашга ҳаракат қиласди, маъруза ўқиган ўқитувчи билан мулоқот қилиш учун интилади, ўз фикр-мулоҳазаларни ифода қилиш йўлларини топадилар.

Демак, ўқувчи ўз билимини танқидий фикрлар асосида ошириб боради ва ҳар қандай ҳолатда ҳам фикр-мулоҳаза юритиш қобилиятини намоён этади.

Ўқитиши жараёнида ўқувчиларни фаоллаштириш шуни назарда тутадики, бунда улар илмий билимларни ҳамда уларни амалда қўллаш усуllibарини онгли ва фаол эгаллаб оладиган, уларда ижодий ташаббускорлик, ўқув фаолиятида мустақиллик, тафаккур, нутқ ривожланади. Уларнинг фаоллиги ўқув материални эгаллаб олишида ўқув, тажриба хонаси шароитларида топшириқларни бажаришдаги ҳаракатларида намоён бўлади. Фаоллилик ўқувчиларнинг ўқув ва меҳнат фаолиятидаги мустақиллигини ривожлантириш билан мустаҳкам боғланган.

Фаол усуllibарини танлаш биринчидан, дарсдан кўзда тутилган ўқув мақсадларига боғлик. Масалан, агар дарснинг мақсади янги билимларни эгаллашдан иборат бўлса, ўқитувчи бу билимларни ўзи баён қиласди ёки ўқувчиларнинг ўқув адабиётлари ва бошқа материаллар билан мустақил ишлашини ташкил қиласди. Иккинчидан, таълим усуllibарини танлаш ўрганиладиган фаннинг мазмуни ва дарснинг аниқ ўқув материалыга боғлик бўлади. Бир машғулотнинг ўзида бир нечта фаол усуllibар кўлланилиши мумкин. Учинчидан, ўқувчиларнинг илгариги тайёргарлик даражасига ва шахсий тажрибасига боғлик. Агар янги ўқув материали уларга бутунлай нотаниш бўлса, ўқитувчи буни ўзи баён қиласди, буни дидактик воситалар ва тажрибаларни кўрсатиш билан кўшиб олиб боради.

Ўқувчиларнинг билим олиш, мустақил ишлаш ва ижодкорлик қобилияtlарини ривожлантириш, уларнинг онгли фаоллиги, мустақиллиги



ҳамда ижодкорлигини, ўқув-билиш фаолияти натижасининг сифатини характерлайди.

Ўқувчиларнинг мустақил изланувчанлик қобилиятларини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган машғулотлар дарс ишланмалари ҳамда технологик хариталари асосида ўқитиш жараёни ташкил этилади. Машғулотлар асосини мустақил ва ижодий иш топширикларини бажариш ташкил этади.

Ўқувчиларга мустақил билиш, фикрлаш ва ижодий изланишга мажбур қиласидиган, муаммоли ҳаётий далилларга асосланадиган вазиятли топшириқларни бериш мақсадга мувофиқдир. Ўқувчи топшириқларни ижодий фикрлаш ва мустақил ишлаш орқали бажаришлари лозим. Ўқитувчилар мустақил ва ижодий иш топшириқларини бажариш бўйича ўқувчиларнинг интилишларини олқишилаши ҳамда тўғри йўналтира олишлари лозим. Ўқувчи индивидуал ҳолда самаралироқ ишлайдими; ёки гурӯҳ билан биргалиқда ишлашни ёқтирадими; ёки унга электрон дарсликлардан фойдаланиш қулайроқми буни ўқитувчи яхши билиши керак.

Саволлар ёки топшириқлар орқали ўқувчиларнинг ижодий фикрлашларни ривожлантириш, номаълум ёки ноаниқ маълумотлар моҳиятини тушуниш учун мустақил изланишларини вужудга келтиради. Биз томондан олиб борилган педагогик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ўқувчининг ижодий фикрлаш қобилиятини шакллантириш ва ривожлантириш, унинг мустақил билим олишга бўлган қизиқишини оширишда мустақил иш ижобий таъсир кўрсатар экан.

Янги педагогик технология ўқувчи фаолиятини тўғри йўналтиришга қаратилган бўлиб, аввало унинг соғлигини муҳофаза қилишни, унда турфа фазилатларни шакллантириш учун амалий ёндашув режаларини тузиши, бу режаларда ўқувчни қувноқликка, топқирликка ундовчи воситалар жамланишини, ҳозиржавобликка, сермулоазаликка, тўғри рақобат қила олишга ёки фараз қила олиши қобилиятини ривожлантиришга, ижодий тафаккур қилиш, тадбиркор бўлишга ундовчи қатор назарий ва амалий ишлар мажмуасини барқарор этишни назарда тутади.

Педагогик технологияларнинг бошланғич таълим тизимида кенг ўрин олиш ва барқарорлашиши учун истиқбол режаларда қуидагиларга эътибор бериш лозим:

- бажарилиши ва татбиқ этилиши лозим бўлган ишларни тўғри лойихалаш, мақсад ва вазифаларни белгилаш;
- амалий машқ ва машғулотлар тизимини яратиш;
- бошланғич синфларда ўқитиладиган фанлар бўйича атамалар тўпламини тузиш;
- синов машғулотлари, тест саволлари тузиш;
- компьютерни ўйинлар учун дастурлаштириш;



- сайр-саёхатлар ўтказишининг назарий ва амалий йўналишини белгилаш ва дарс режаларини ҳозирлаш;
- педагогик технологияларни ўзида акс эттирадиган ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланмалар яратиш;
- республика ижтимоий-иктисодий, тарихий, миллий-маънавий хусусиятларига мос равища бошланғич таълимнинг амалий асосларини ишлаб чиқиш;
- жаҳон педагогикасининг бошланғич таълим соҳасида мавжуд тажрибаларини ўрганиш ва кенг масалаларни мактабларда жорий этиш.

Педагогик технологияларнинг бошланғич таълим тизимида кенг ўрин олиш ва барқарорлашиши учун истиқбол режаларда қуидагиларга эътибор бериш лозим:

- бажарилиши ва татбиқ этилиши лозим бўлган ишларни тўғри лойиҳалаш, мақсад ва вазифаларни белгилаш;
- амалий машқ ва машғулотлар тизимини яратиш;
- бошланғич синфларда ўқитиладиган фанлар бўйича атамалар тўпламини тузиш;
- синов машғулотлари, тест саволлари тузиш;
- компьютерни ўйинлар учун дастурлаштириш;
- сайр-саёхатлар ўтказишининг назарий ва амалий йўналишини белгилаш ва дарс режаларини ҳозирлаш;
- педагогик технологияларни ўзида акс эттирадиган ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланмалар яратиш;
- республика ижтимоий-иктисодий, тарихий, миллий-маънавий хусусиятларига мос равища бошланғич таълимнинг амалий асосларини ишлаб чиқиш;
- жаҳон педагогикасининг бошланғич таълим соҳасида мавжуд тажрибаларини ўрганиш ва кенг масалаларни мактабларда жорий этиш.

Бошланғич синф ўқувчиларнинг ижодий қобилияtlарини ривожлантиришда ўйинга асосланган замонавий педагогик технологияларни қўллаш яхши самара беради. Улар олдиндан режалаштирилган ва ўз ичига кўп қиррали ўйинларни қамраб олган бўлиши керак. Ўйинга асосланган бундай технологияларнинг ўрни, аввало ўйин элементларининг функцияларини ўқитувчи, ўқувчиларга қандай тушунтиришга ва қандай етказа олишга боғлик. Иккинчидан, қуидаги ҳолатлардагига у самарали бўлади.

Бошланғич синф ўқувчиларнинг ижодий қобилияtlарини ривожлантиришда ўйинга асосланган замонавий педагогик технологияларни қўллаш яхши самара беради. Улар олдиндан режалаштирилган ва ўз ичига кўп қиррали ўйинларни қамраб олган бўлиши керак. Ўйинга асосланган бундай технологияларнинг ўрни, аввало ўйин элементларининг функцияларини ўқитувчи, ўқувчиларга қандай тушунтиришга ва қандай етказа олишга боғлик. Иккинчидан, қуидаги ҳолатлардагига у самарали бўлади.



- ДТС талабларига жавоб бер аладиган, билим ва құникмаларни шакллантиришга асосланған бўлса;
- фанлараро узвийликни индивидуал ҳолда ва гурӯхларда қўллай олса;
- олдиндан ўқув дастурига мос ривожлантириб, замонавий технологияларига асосланған бўлса.

Ўқувчилар фаоллигини оширишда қуидаги усуллар мақсадга муовифик:

- кўтаринки рух билан ўйинга жалб этиш;
- ўқувчининг хайриҳоҳлиги билан ўйинни олиб бориш, танқидий вазиятлардан четлаб ўтиш;
- оригинал фикрларни рағбатлантириш;
- турли муоммоли вазиятларда ўқитувчи ўз шахсий тажрибасини қўллай олиши;
- ўқувчиларга фаоллик билан савол бериш учун имконият яратиш;
- ўйинли машқларни дарсдан ташқари машғулотларда ҳам қўллай олиш.

Ўқувчиларга таълим-тарбия беришимизда бир қанча муаммоларга дучкеламиз:

- она тили фанидан имло хатолар;
- дикқатни бир жойга тўплай олмаслик;
- матнни ўқиб, сўзлай олмаслик;
- ўта харакатчанлик;
- бир-икки гапирганда тушуниб етмаслик;
- геометрик шаклларни фарқлай олмаслик;
- ўқув куролларини тоза тута олмаслик;
- вазифани мустақил бажара олмаслик;
- кўчирма диктантларда ҳам қийинчиликка дуч келиш.

Бу санаб ўтилган муаммоларни ҳал этишда ҳам, ўйинга асосланған илғор технологиялар жуда самаралидир.

Бола қанчалик ёш бўлса, ўйин уларни фаолиятида шунчалик катта аҳамият касб этади. Ўқувчиларни тарбиялашда ўйининг аҳамияти етарлича баҳо бермайдиган ўқитувчи ўз ишида катта ютуқларга эриша олмайди. Дарҳақиқат, ўйин болага ором, қониқиши бахш этади. Масалан, компьютер ҳозирги кунда таълим тизимида кенг ўрин эгаллаганини биламиз. Бу ўқувчи фаолиятида ўз аксини топмоқда. Қолаверса ўқувчилар сайр-саёҳатлар ташкил этиш орқали алломаларимиз, ҳалқ қаҳрамонлари ҳаёти-фаолияти билан яқиндан танишиб, ўзбек ҳалқининг жаҳон ҳалқлари категоридаги ўринни ва нуфузини англамоқдалар.

Ўқувчи тафаккурини ҳар тамонлама ривожлантириш, дунёқарашини кенгайтиришда сайр-саёҳат дарслари кенг кўламда олиб бориш керак.



Чунки унинг билиш, янгиликларни қабул қилиш доираси кенг, ундан тўғри самарали фойдаланиш эса ўқитувчининг вазифасидир.

Ўқувчининг ҳиссий билиш, маълумот ва қўникмаларни қабул қилишга кенг имконият яратиш учун эркинлик бериш, уни ижодий ишлар қилишга, бажарган иши самарасини кўриб қувонишига, янги-янги ютуқларга йўллаш зарур.

Ўқувчиларга бериладиган билимлар, қўникмалар асосан дарс жараёнида сингдирилиши, биринчи синфда ўқув йили давомида, уйга вазифа берилмаслиги, берилса ҳам улар енгил кузатиш, таққослаш, санаб кўриш, расм чизиш, қўшиқ айтиш, сайд қилишдан иборат бўлиб, бу билан таълим элементларини аста-секин ўзлаштириб боришига эришиш мақсадга муво-фикардир

#### **Адабиётлар:**

1. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Т.: ТДПУ, 2006.
2. Сайдахмедов Н., Очилов А. Янги педагогик технология моҳияти ва замонавий лойихаси. – Т.: РТМ, 1999.
3. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбикӣ асослари. – Т.: Фан, 2006.
4. Ernazarova G.O., Isroilov Q.T. Pedagogical development technology creativity of future teachers of history in the conditions of higher education/ Academicia an International Multidisciplinary Research journal, Vol.11., Vol 11, Issue 2, February 2021 (ISSN: 2249 - 7137) page № 532-536
5. Mullis, S., Martin, O., Foy, P., & Hooper, M. (2017). PIRLS 2016 International Results in Reading.
6. Popat, S., Lenkeit, J., & Hopfenbeck, T.N. (2017). PIRLS for Teachers. A review of practitioner engagement with international large-scale assessment results. Oxford, UK: Oxford University Centre for Educational Assessment.
3. Леонтьев А. А. (1999) Психология обучения чтению // Начальная школа: плюс-минус. № 10. С. 9-13.

#### **РЕЗЮМЕ**

Мазкур мақолада, бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришни таъминлашга қаратилган инновацион фаолиятни ташкил этиш, танқидий ўқиш, педагогик ҳамкорлик инновациялар тизимини ташкил этиш, ўқитишида маҳоратларни шакллантиришга умумий ёндашишини амалга ошириш масалалари ёритилган.

#### **РЕЗЮМЕ**

В этой статье рассматриваются вопросы организации инновационной деятельности, направленной на обеспечение развития учебно-познавательной деятельности учащихся начальных классов, критического чтения, организации системы педагогического сотрудничества инноваций, реализации общего подхода к формированию навыков в преподавании.

#### **SUMMARY**

This article covers the issues of organizing innovative activities aimed at ensuring the development of educational and cognitive activities of Primary School students, critical reading, organizing a system of pedagogical cooperation innovations, implementing a general approach to the formation of skills in teaching.